

Ойбек  
Бола  
Алишер



*Oйбек*

**БОЛА  
АЛИШЕР**

*Kucca*



ТОШКЕНТ  
ЧУЛПОН нашриёти

Ўз 2  
О 38

*Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи*  
Найм КАРИМОВ

Муҳаррир  
Тўлқин АЛИМОВ

Ойбек.

Бола Алишер: Қисса / (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Н. Каримов).— Т.: Чўлпон, 1995.— 80 б.

Қиссада улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийниг болаликданоқ Олаод берган зеҳнга, ақлу одобга эга бўлганлиги ҳаётий лавдаларда акс ёттириллади.

K 4803620201-81  
360(04)-95 29.95

ISBN 5-8250-0435-1

© Н. Каримов. Сўнгсўз.

Қафтига қуёш қундирилгандай чараклаган, кенг чорхары меҳмонхонада янги явмуд гилам устида тиғиз давра қурган құноқлар, яқин дүстлар самимий суханварлик ила сұхбат құлурлар. Катта кашмирий шол дастурхон узра писта-бодом, мағиз, асал, хилма-хил ҳолвалиар тұқылған. Меҳмонлар ошаб ичиш ила турли қызық всіқеалардан гаплашурлар; мажлисда хуш сұхбат бирдам узилмас әди. Ғиёсиддин Қичкина — камтар, мулойим феълли, күзлари ақлли, калта соқоли үзига ярашған, жуссаси кичик киши. Құпчилик уни Ғиёсиддин Қичкина дер, аммо яқин дүстлари күпинча Қичик баҳодир дер әдилар.

Хүросон үлкәннән молия ишларыда муҳим мансабни эгаллаган, Сабзавор ҳокими ҳам бұлған Ғиёсиддин Қичкина юксак мавқели беклардан әди. Үлканинг турли вилоятларыда юра-юра, нихоят, осмони гүзәл мөвий нурға чүмған, үзининг севимли шаҳри Ҳиротдаги ҳөвлисида истиқомат қылур әди. Ҳөвли ҳам Ҳиротнинг шимоли шарқыда, сердараҳт, хуш бир манзилга қурилған әди.

Шарақлаб қайнаб турған, қорнида қуёш жилvasи үйнаган катта мис құмғонни кутариб кирған мулозим чойнакка хүшбүй чойни дамлагаң, тавозе пла хўжасига узатди-да, енгил юриб чиқиб кетди. Ғиёсиддин Қичкина пиёз пусті каби юпқа нағис Хитой пиёлаларига чой сузиб, дүстларига бир-бир узатар әди.

Мажлис аҳлидан бири, етмишлардан ошиб, саксонларга борған қария, барлослардан әди. Қош-қовоғи осилған бу киши даставвал одати бүйінча бир йұталиб олғач, сұзларини құрғошин салмоқлиги ила доналаб гапира бошлади. Ёшлигіда Темурнинг жасур жангчиларидан, севимли мард йигитларидан бұлған қари барлоснинг юзидаги қайғу құлқасыци шу тобда дүстлари очиң күрар, чуқур ҳис қилас әділдерде

— Туркестонининг, Хурросон мамлакатининг аҳволига бир назар ташлангиз... Билмадим, оқибати не бўлур?! Ҳазрат Темур яратган давлат чил-чил бузилди. Темурдан сўнг хийла вақт шаҳзодаларнинг боши жангдан чиқмади, ҳар бири ҳамиша муттасил ўз нафсини ўйлаиди, Сулаймон таҳтини ёлғиз ўзига раво кўради. Ҳа, шундай шаҳзодаларнинг она сути ҳануз оғзида бўлган энг кичиги ҳам, отнинг олдинги оёғи ўзим бўлман, дейди. Муддаолари шу барчасининг. Ҳеч бир ақли комил соҳибининг иши эмас бу. Давлатнинг илдизи бир бўлмаса, халқ жабр денгизига ботиб кетгуси муҳаққақ. Қаршимиздаги фоже аҳвол шулдир. Бу янглиғ андишалар каминанинг кўнглига кундан-кун андуҳ тўлдириб борур. Бутун жаҳонни титратган хоқон Темурнинг тантанасини кўрган биз каби қарияларнинг бундай фалокатга зарра қадар бардош бермоғи мутлақо қийиндир. Бунингдек даҳшатли фалокатни даф этмоқ тадбирини ахтариш — барчамизнинг бурчимиз.

Қуюқ туман каби ўртага чўккан сукунат бир неча дақиқа давом этди. Қекса барлоснинг айтганларидан таъсиrlаниб чуқур хаёлда утирган маъмурлардан бири совиб қолаёзган чойни тез-тез ҳўплади-да, пиёлани дастурхонга кўйди. Белида хаижар, бошида сувсар телпак, гавдаси миқти маъмур сийрак соқолини бир силаб олгач, қуюқ қошларини кўтариб, теран жойлашган кичик кўзларини кекса барлосга тикди:

— Айтганларнинг маъқул, тақсир, улуғ хоқонимиз Темур офтоб каби оламда ёлғиз эдилар, жаҳонни кўп қамраган эдилар. Ҳазрат Шоҳруҳ Хурсонда жанг бўрони, қон дарёси оқизиб ҳам бир нав тартиб жорий этолмадилар. Темур давлатининг этак-этаклари кесилди-да, қўлда қолгани қолди. Энди ҳазрат Шоҳруҳ кексайдилар. Шаҳзодаларро тағин низолар, жанг-қирғинлар алангаланиб кетмагай, деб гумон қилурмиз. Лекин амин бўлсинларки, Самарқанд таҳтида ўлтириши Улугбек ҳазрат бобосига муносиб илм-маърифат машъалини баланд кутармиш олим хоқондир. Ортиқча иштибоҳлар ила беҳуда изтироб чекмагайсизлар.

Гап Улугбек устига кўчганидан севиниб кетган Мирсаид сабрсизлик билан сўз кутарди. Маъмур гапига нуқта қўйиши билан Мирсаид дарҳол сўзини илиб олди. Ажойиб рангдор услугуб эгаси, туркий шеърлар ила машҳур Қобулий таҳаллусли, эллик ёшлардаги бу шоир Алишернинг тоғаси эди. Оппоқ чақнаган тақясини бошида бир айлантириб олгач, кулимсираб, деди:

— Жаноблар, Улуғбек ҳазратлари жаҳонда илмнинг энг улкан кони, дея минг дафъа фахрлансак ҳамки оздирип. Расадхонаси<sup>1</sup> бу оламда якка, мисли йўқ. Мен Самарқанд сафаримда расадхонани кургач, ақл-ҳушимни йўқотдим. «Ё оллоҳ! — дедим унинг бўсағасига оёқ босар эканман.— Илмнинг каъбаси шудирми?» деган фикр хаёлимни чақмоқдай кесиб ўтди. Сунгра тангirimга беҳад шукрлар изҳор этдим. Барча шоирларнинг ишқи тушган сеҳрли осмонни, юлдузлар дунёсини сайд этишга, ажойиб сирларини англашга мусассар бўлмиш у буюк зотнинг ақли, закоси, кароматининг таърифиға факир камашангиз асл туркӣ тилимизда бир мадҳия ёзишдан ўзимни тұхтата олмадим.

Гиёсиддин Кичкина жилмайди.

— Муҳаммад Тарагай Улуғбек ҳазратлари подшоҳи азимдирки, у буюк зотнинг илмдаги ижодишининг тарихда асло мисли йўқ. Ҳатто арабларда, юнонларда бўлмагандир. Афсуски, воҳ, минг дафъа афсуски, хурофот булоғидан сув ичмиш, кўзларнга гафлат боғичи тушмиш бир гуруҳ хоинлар борки... Астағфирилло, парвардигорим ўзи асрасин ҳазратни... — Гиёсиддин Кичкина вахимали фикр ҳаяжонидан энтиkkандек бир он сукут этди.— Шуаро, фузало, уламо орасида бир гуруҳ ашаддий ғоғиллар Самарқандда андек туғён кўтариб, фалон-фалон<sup>2</sup> дея, фисқу фасод йиғиб, зимдан шоҳ обрўйига футур етказмоқдалар. Улар хато килурлар, ғоят қалтис йўл тутмишлар. Ақл соҳиблари бунга печун тоб берсинглар! Шоҳимиз Улуғбек ўзининг олмос каби ўткир фикри ила, илм булоғининг кўзини топган. Эшитишимизга қараганда, ҳазрат Улуғбек ўзларининг расадхоналарнда юксак бир гумбаз, даҳи<sup>3</sup> фалак томон чилпоя бино қилибдиларки, шу гумбаздан юлдузларнинг сайдини кузатар эканлар ва уларнинг босган йўлини, вақтини, конун-қоидаларини дастурга солибдурлар, бир ажойиб жадвал битиб, само асрорини ифшо<sup>4</sup> қилибдурлар. Буларнинг барчаси ҳазратнинг ақллари, фикрлари камолатининг далолатидир.

— Ҳазрат Улуғбек фалакиёт илмини кўп саъй-ижтиҳод<sup>4</sup> билан тадқиқот қилибдурлар,— деди ориқроқдан

<sup>1</sup> Расадхона — обсерватория.

<sup>2</sup> Даҳи — яна.

<sup>3</sup> Ифшо — ошкор қилмоқ.

<sup>4</sup> Саъй-ижтиҳод билан — жон-жаҳди билан.

келгап, кийимлари оддийгина, эллик ёшлар чамасидаги кимёгар домла Мурод.— Ҳазрат ҳақиқий олимдирларки, бу илмда инкишоф<sup>1</sup> нұқтасига етибдурлар, риёзатда камолот кашф этмиш бир инсондирлар. Давлат арбоби сифатида ҳам юксакдирлар, давлат ишини хұб аъло билурлар. Лекин мушкулотлар ғоят беҳад. Давлат бошида турмоқ осон әмас.

— Илм гавҳарини топмиш Мұхаммад Тарагай Улуғбек,— деди әгнида кенг содда жома, катта күк саллали бир киши, мулойим паст товуш билан,— фалакиёт оламини забт этибдурлар. Ҳазрат Улуғбек илм дунёсида маңгулик кашф этган мушарраф олимдурлар. Күнгиллари барча илмларнинг тажассуми бұлмиш бу зот тарихимиз китобида ғабадий ёрқин юлдуздирлар,— деди у мажлис ақлига.

Шу аснода барчанинг бирдан әшикка йұналған күзларыда оний табассум жилваланди. Шұх Алишер тұнининг этакларини хилпиратиб югуриб кирди. У бир лаҳзагина остоңада тұхтади-да, қызарыб: «Ассалому алайкум!» деди назокат билан құлларини күксига қўйған ҳолда ва меҳмонларга қоп-қора күзлари жавдираб, бир қараб чиқди; отасини күрган ҳамона яна ҳам севиниб кетди; чопиб борди-да, ёнбошига биқинганича эркаланди.

Ғиёсiddин Кичкина бир кесім писта ҳолва билан үгилласини меҳмон қилди.

Түрт ёшлар чамасидаги Алишер келишгап, хипча тавдали, түйғун күзларыда теран ақл күринар эди. Үнинг бошида такя,<sup>2</sup> устида адрас түн, оёқларыда хиёл этик, ҳолвани еб туриб, мажлисни одоб ила кузатар эди.

— Отни яхши күрармисен, Алишербек?— дея сұради кулимсираб сипоҳлардан бири.

— Күп яхши курурмен, лекин...— деди отасига телмира туриб Алишер,— от чоптиришдан фикр югуртириш яхшироқдир, чамамда.

Ҳамма ҳайратта қотиб қолған эди.

— Офарин!— деди кекса барлос.— Үқитинг үғлонни, мулла қилинг! Илмнинг чүқкисига арзиди үғлингиз.

Ғиёсiddин Кичкинанинг юзи қувончдан ёруғланиб кетган эди, күзларыда табассум-ла жавоб берди у:

<sup>1</sup> Инкишоф — кашфиёт.

<sup>2</sup> Такя — сидирға матодан тайёрланған гулсиз дүппи.

— Ниятимиз худди шундай, үқитмоқ орзу қилурмиз. Зийрак бола, пича шұхлиги бор...

— Боланинг шұхи яхши, зероки, фикри ҳам югурик бұлур. Фикрнинг чақноғи — илмнинг чақмоғи,— деди домла Мурод.

Савдо аҳлидан бақалоққина бир киши домла Мурод-га әътиroz билан ғулдиради:

— Аҳли савдо сафига кирмоқ — улуғ иш. Савдонинг хислати күп. Зероки, ҳар нарсанинг давоси олтин, дейдилар. Үқитинг үғилни, бек, аммо зар қадрини ҳам үргатинг!

Сипоҳлардан бири гуриллаб деди:

— Э-э, баҳодирликка не етсун! Жангчи баҳодир бұлрай үғлон! Кучи бұлған эр йигит ҳар нарсага етгусидир. Эгар-жабдуқ, үқ-ей билимидан сабоқ беринг, жаноб бек!

— Қани, жиян, бир ғазал үқиб юбор, биласан-ку,— деди тоғаси шоир Мирсаид Алишерни елкасидан құчыб.

Алишер отасига үқисам майлими, дегандай ялт этиб қаради.

— Үқи, үғлим, үқи, ихлос билан үқи!— деди Фиесидин унинг елкасига қоқиб.

Алишер оёқларини йиғиб, дарров чүкка тушди ва софтиниң товуш била мулойим оҳанғда шеър үқиб кетди:

*Күкарди чаман, гулұзорим қани?  
Зиҳи сарви бүйлүк нигорим қани?  
Топибдур бу күн васли гул андалиб,  
Дариғо, менинг навбаҳорим қани?*

Мажлис аҳли мароқ билан жим қулоқ солурди. Қи-зарib кетған Алишер бир онғина сукут қилғач, деди:

— Мавлоно Лутфий ҳазратлари айтмишлар, бу шеърни. Мен жуда әқтирамен, ота, сиз не дейсиз?— сүради ихлос билан отасига термилиб.

Отаси севинганидан ихтиёрсиз равища қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.

— Жуда яхши, үғлим, менга ҳам ифрот<sup>2</sup> маъқул. Мавлоно Лутфий ниҳоят ҳассос, нозик тафаккурли, ҳар нечук мадҳга ярашуқ бир шоирдирлар.

Мажлис аҳли завқ, мароқ тұлқинида, ажойиб ҳайратда әди.

<sup>1</sup> Андалиб — булбул.

<sup>2</sup> Ифрот — ҳаддан зиёд.

— Ё раббим! — деди кекса барлос ёқасини ушлаб.— Кўнгулларимизни пурга тўлдирган бу жужуқдан қандай бургут етишур? Парвардигорим ҳамиша паноҳ бўлғай сенга, омин! — дея қўлларини юзига суркади у.

Меҳмонлар бошларини қимирилатиб, тасдиқ қилдилар ва барлосга эргашиб, Алишерни ихлос билан дуо қилдилар.

Фиёсiddин Кичкинанинг юзи фуурланиб кетган эди. Қуллари кўксиди, қуллуқ қилар экан, Али аввалгидан зиёд қизарган, ерга қараганча жим қолган эди.

Мирсаид Алишернинг елкасига меҳр билан қоқди:

— Баракалла, офарин, жиян, пешонангда ҳамиша қуёш балқисин,— деди ва мамният билан меҳмонларга боқди.— Форсий шеърлардан ҳам кўпини билади, тангрига минг қатла шукурки, ақл ҳам, ҳофиза ҳам жойида. Шеърият ва илм бобида камол касб этур, деган умидимиз бор,— деди қатъият ила Мирсаид.— Туркийда бисёр маънилар бор. Мен соф туркий ёзурмен. Аксарият шоирлар ғазалларини форсий ёзурлар. Форсий бой, гўзал тил, лекин ўз туркий тилимизда ҳам халқ юрагини топиб, нафис шеърият яратмоқ мумкин. Мавлоно Лутфийнинг туркий шеърлари кўпдирки, бу шеърлар дилларга қуёш каби нур сочур.

Шу топда навкарлар катта катта қашқар лаганларда кийик гўштидан қовурма келтирдилар. Таомнинг хуш бўйи уйни тулдириб юборди. Меҳмонлар бир қузғалиб, жойлашиб, ўтирдилар.

— Марҳамат, таомдан тановул қилғайлар! — деди Фиёсiddин Кичкина тавозе ила меҳмонларни дастурхонга таклиф қилиб.

Таом устида ҳам суҳбат узилмади. Подшо Шоҳруҳ ҳақида гап борди. Унинг ғоят дипга берилганлиги, лекин бир нав одиллиги ҳақида сўзлар эдилар.

Алишер тоғаси тутқизган бир қобирғани аста шимгани ҳолда, катталарнинг суҳбатига қулоқ солиб ўлтиргач, отасига нимадир шивирлади-да, юмшоқ, енгил қадамлар ила пилдираб кўчага отилди.

\* \* \*

Темур вафотидан сўнг шаҳзодалар орасида кутарилган зўр нидо ёнғинида Шоҳруҳ ғолиб чиқди. Темур давлатининг гавҳари аталган Самарқандни ўғли Улугбекка топшириб, ўзи Ҳиротга кўчди ва унда гўзал бир маскан

яратди. Оз муддатда Ҳирот кўркам, обод бир шаҳар бўлди.

— Туркистон диёрининг йирик юлдузи Улуғбек Мирзога Самарқандни раво кўрдик. Ҳирот эса давлатнинг қуёши бўлиб ярқирасин. Бу шаҳри азимни ҳам бир ўғлонимизга топширурмиз,— деб ғуурурла мақтаниб қўярди баъзан Шоҳруҳ.

Шоҳруҳ гоҳ-гоҳ бош кўтарган шаҳзодалар ила ва баъзан чигиртка каби бостириб келган мӯғуллар, Олтин Үрда ила жанг қила-қила ҳокимиятни узоқ йиллар ўз қўлида сақлаб келди. Энди у кексайган, букчайган, аммо ҳануз жангда ўзи от сурар, қилич тортар эди.

Шоҳни улуғлар, жангда пишган барлослар,<sup>1</sup> беклар қуршаган. Ўқтин-ўқтин андак ях гулоб тортиб қўярдилар.

— Қавм бузилди тағин. Давлатда тартиб, низом йўқолдими, жазо қиличини ишга солмоқ зарурати туғилди,— дея ноҳуш товушда сўзларди шоҳ.

— Андак сабр лозимдур, улуғ шоҳим. Форсийларнинг ғалаён бошламоқ хавфи ҳам бордур,— дея юмшоқ оҳангда жавоб қилди вазир.

Бир оз сукутдан сўнг шоҳ узун сўлиш олди. Унинг узоқ чўзилган мажлисдан хориганлигини сезган ҳар кимса бирор сўз қотишдан ҳайиқарди.

— Сиёsat олами шундай... Жабҳаларга қурол-аслаҳа тайёр килинсин!— деди охири қатъий.

Барча ўрнидан туриб кўл қовуштирап экан, подшо секин эшик томон юрди. Букчайган қаддида зар тўн, этаклари ерга сургалур, оқ шоҳи саллада йирик гавҳар тош, қўлларида эса асл тошлардан терилган тасбех ярқирап эди.

Шоҳруҳ дарҳол эшикни таъзим ила очиб юборган ва қўлини кўксига қўйиб эгилган эшик оға олдиндан ўтиб, иккинчи хонага кирап экан, таъзимда букилган беклар, шаҳзодалар, бекзодалар ёнида яна тўхтади:

— Э-ҳа, сиз ҳам шу ердамисиз? Қачон келдингиз?— деди у таъзимда букилган Абдуллатифга тикилиб.

— Муборак ҳузурингизга келдим, бобо ҳазрат. Самарқанд тузук, лекин ғавғоси кўп,— деди секин шаҳзода, кўзларини ердан узмасдан.

<sup>1</sup> Барлос — ўзбек уруғларидан бири. Бу ерда қўшин боштиқлари маъносидан келган.

Атрофдагилар фикрларини ҳатто күзларининг имоси билан ҳам бир-бирларига англатишдан ожиз, жим қолған әдиллар. Шоҳ оғир сукунатни бузиб, суради:

— Қалай, ўғлимиз шоҳ Улуғбек сиҳатмилар? Келурмиканлар, деб кўз тутмишдим... Соғинидим...

— Алҳамдуллаҳ, падари бузрук саломатлар.— Бир он сукутдан сунг, паст овоз билан:— Машғулотлари ёлғиз юлдузлардур,— деди ва зарбоғ тұннининг этакларини тузатиб, ёқут қадалған нимранг шоҳи салласини силаб қўйди шаҳзода.

Уннинг юзидағи истеҳзоли ифодани барча пайқаган әди.

— Бағуржа сұзлашурмиз,— деди нохуш товуш ила набирасининг ўринисиз гапларидан раңжиган шоҳ. Сұнг түрги утиб, тахтга ўлтирди ва имо билан рухсат бергач, шаҳзодалар, беклар, шайх ул-ислом<sup>1</sup>, уламо, шайх ва барлослар, ҳар қайсиси ўз мавқенга мувофиқ тартибда жойлашдилар.

Чуқур таъзим ила эшик оға шоҳ олдида букилди:

— Аъло ҳазрат, ижозат берсалар, Чин элчилари, Арабистондан келмиш юксак даражали вакиллар, турк пошшолари, Олтин Ўрда беклари мунтазирдур.

Шоҳруҳ имо қылған он эшик оға орқаси ила юриб, эшикни очди.

Сарой аиънасаның хос тартиб ила ҳар бир мамлакат вакили қабул этилиб, савдо ва тиженрат ишларини яна-да көнгайтириш ҳақидағы баёнотлар әшитилиб, хитойлик элчилардан чинни табақлар, даста-даста шоҳи товорлар, араб вакилларидан муқаддас хурмо, мушарраф зам-зам сувлар каби ҳадялар қабул этилгач, Шоҳруҳ қондага мувофиқ, қисқа сұхбатдан сұнг, ўринидан турди:

— Қуллуқ! Бугун оқшом, азиз меҳмонлар ва барча жаноблар,— дея хонадагиларга мурожаат қилди у,— марҳамат, ҳузуримизга, зиёфатта ташриф буюрсиянлар.

— Азиз меҳмонлар, оқшом қупоққа келсиянлар! Аъло ҳазратимизшінг ниятлари чексиздур,— дея қичқирди овозини баланд қўйиб эшик оға.

Шоҳруҳ бир он оёққа қалққан ва таъзимда букилган ҳозирунлар<sup>2</sup> олдидан вазмин юриб, кичик хонага кириб кетди.

<sup>1</sup> Шайх ул-ислом — ислом дини шайх.

<sup>2</sup> Ҳозир бўлганлар.

\* \* \*

Үймакор дарвозадан киргандың қуюқ дараҳтлар, чи-  
нор, олма, шафтолилар орасында иккى бино күринарди.  
Подшога яқын хеш-ақрабо аёллар, мәхмөнлар яшар эди  
бу уйларда.

Пишиқ ғиштдан қурилган бир уйнинг шифти гумбаз-  
ли, кенг хонасида, тұрда, қат-қат ипак күрпача устида  
қары маңына Гавқаршодбекім үлтирады. Кенг, узун күк  
товор күйлак устидан майин зарбоғ камзул, оқ нағис  
шохи рұмол устидан ғуж-ғуж ёқут, гавқарлар құндирил-  
ған тож. Шода-шода дур-гавқар, қашқар ұлқалар, би-  
лагузуклар, узуклар, сурма, упа-әлик — барчаси жоба-  
жо, гүл мойны бурқирайди...

Маликанинг атрофида бегимлар, бекалар үзларига  
хос назокат билан үлтирады, хизматчилар таъзим ва  
одоб ила, товушсиз қадам ташлаб, үз ишларини бажарур  
эдилар.

Маликанинг ёнида чүккалаган Абдуллатиф Самар-  
қанддагы турлы-туман олди-қочди ғийбатларни, отасы  
Ұлугбек саройидан йиғиб келтирған бор-йүқ сұзларни  
бібисінга тұқиб соларды.

Абдуллатиф сұзни узмаган ҳолда писта мағзу хурмо  
чайнашдан ҳам тиңмас, болишиңа мағрур ястанған бібиси  
еса онда-сонда писта ҳолвани курсиллатыб чайнааб құяр  
эди.

— Ҳазрати падаримиз Самарқандда илмнинг банди  
бұлды-қолди, шоқ ойим. Билмадым, оқибати не бўлур?  
Уламо ва улуғ шайхлар ғазаби кундан кун ошиб борур.  
«Қани дин?», «Қани шариат?» дейдилар. Ҳазратнинг  
мадрасаси — илмнинг кони; үзлари тунлари бедор, фа-  
қат юлдуз санаб, тонг оттирурлар...

Гавқаршод узоқ сукутда хомуш үлтиргач, вазмин  
гапириди:

— Улугбек ҳазрат болам, жигаримдир. Лекин му-  
қаддас динимизни нега үйламайды? Мен бундан хуноб-  
ман. Ҳиротга келгандарыда, сұзлашмишdir, койимиш-  
dir, қулоққа олмабдилар. Ағас... «Күкрагингизниң тұ-  
рида фақат Оллохга әзтиқод бўлсин», демиши эдим.  
Улугбек шунда: «Юлдузлар олами кенг ва сири кўп,  
ислом дини ҳам илмни қадрлайди», — демишидилар.

— Тушунмайсиз, улуғ ойим, падар бузругнинг по-  
үрин ишлари кўпдир. Уламолар — азиз одамлар! Улар  
ҳар бир ишимизга раҳнамоки, бунда сир кўп. Қиблатоқ  
бунга сира тушунгилари келмайдур.

Гавҳаршод индамади. Қовоги солиқ ҳолда, нохуш кайфиятда узоқ жим ўлтиргач, болишдан оғир гавдасини кутариб, жойлашиб олди-да, Бухородан, Самарқанддан, Андижондан, Балхдан аёл қариндошларининг келганини сўзлади, бугун уларга аталган зиёфат бўлажагини айтди.

Шаҳзода Абдуллатиф ўрнидан туриб, бичимсиз гавдасини эгиб таъзим қилгач, талпанглаганча чиқиб кетди.

Малика бош канизга имо қилгач, канизлар югуриб қолдилар. Катта очилган эшикдан бирин-кетин беклар, бегимлар таъзим ила келиб кира бошладилар. Қайта қайта салом ва эҳтиром ила кўришдилар. Гавҳаршод бегим оёқда туриб, барчаси билан бир-бир омонлашгач, барчаларига жой кўрсатиб, ўзи ҳам жойига қайта ўлтириди.

Бир дамгина қисқа суҳбат ва меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўраб, ҳар бирига айрим илтифот кўрсатгач, меҳмонлар ҳовлига чиқиб кетдилар. Сўнг канизлар маликани қайта кийинтирдилар. У канизлар билан қуршалган ҳолда шоҳона юриш билан ҳовлига тушди.

Малика Гавҳаршод саройига келмиш меҳмон бекалар орасида Алишернинг онаси Гулбегим бека ҳам бор эди. Хушбичим, келишган қоматли, юzlари оппоқ Гулбегимнинг ингичка қошлири ва жилвали, меҳр чақнаган қора кўзлари гузалликнинг энг зўр омили эди. Катта завқ ва дид билан кийинган, йигирма беш ёшлардаги бу жувон йиғинларда кузга дарров ташланар, чеҳраси иссиқ, ёқимли аёл эди.

Малика меҳмонлар билан биргаликда гулзор атрофида, арикларни тўлдириб юза, сокин оққан сув бўйида, қуюқ дараҳтлар орасида, хиёбонларда бир оз сайдар этгач, барча меҳмонларни катта меҳмонхонага, дастурхонга таклиф қилди.

Алишер онасига секин шивирлаб, боғни томоша қилиб юришга ижозат сўрар экан, «Эҳтиёт бўл, кўчага чиқа кўрмагин!» дея тайинлади Гулбегим.

\* \* \*

Алишер бу катта боғ ҳовлининг ҳар бир бурчагини томоша қилиб узоқ юрди. Дараҳтларнинг новдаларига осилган рангдор қафаслардаги тўти, булбул, майналарни мароқ ила томоша қилди. Уларнинг қафас ичра тинимсиз сакрашларини, сайдарларини узоқ кузатди. Қуш-